





18 май — Халқаро музейлар кун

ВАТАНДОШЛАРДАН СОВҒА



Мустақил Ўзбекистонимизнинг навқирон ва муҳташам музейларидан бири Темурийлар тарихи Давлат музейидир. Мана икки ярим йилдирки, унинг экспонатлари тезлик билан бойиб борапти. Музейга республикамиздан ва дунёнинг ҳар хил мамлакатларидан совғалар келиб турибди. Совғалар ичида фотосуратлар, китоблар, ноёб ҳужжатлар борки, уларни чет элларда яшовчи ватандошларимиз юборишяпти.

Шулардан бири Саудия Арабистонида яшовчи Ҳабидуллоҳ Андижоний бўлиб, Амир Темури ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фотосуратларини юборган. Бу фотосуратларнинг асли Буюк Британия музейида сақланади.

Мақкада истиқомат қилувчи Абдулҳаким қори ҳам юртдошимиз бўлиб, тарихимизга оид 27 та китоб жунатибди. Бу китоблар Арабистонда чоп этилган. Уларда Амир Темури ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бир муҳим совғалардан бири Туркияда истиқомат қилувчи Собир Сайхоннинг уз қуллари билан келиб топширган 8 та китобдир. Бу китобларнинг асл нусхалари Истанбул шаҳрининг Бешиктош исломий му-

Сайхон ҳам бизнинг ватандошимиз бўлиб, у 1931 йилда Марғилонда туғилган.

Юқоридаги мисоллар шундан далолат берадики, ватандошларимиз олис мамлакатларда яшасаларда узоқ юрларини севадилар. Унинг келажак истиқболи, маънавий камоло-



зей-кутубхонасида сақланади. Турк тарихчилари томонидан ҳар хил асрларда ёзилган, Истанбул, Анқара нашриётларида чоп этилган бу китоблар орқали Амир Темури шахсияти ва ҳаёти ҳақида ноёб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Собир

ти ҳақида қайгурадилар. Шунинг учун ҳам қулларидан келган ёрдамларини аямаптилар. Ўзбек халқига, тарихига эга меросига бўлган ҳурматларини, меҳр-муҳаббатларини намойён этаяптилар.

Қамолдин НОСИРОВ, Темурийлар тарихи Давлат музейининг илмий ходими.

ЛУҚМА ТОҒ НЕМАТЛАРИ ДУКОН БУЛАРМИКИН?

Мен 23 йилдан буён Шарғун шаҳрида истиқомат қилиб келмакдаман. Халқимизнинг табиати асрашга бўлган муносабати йилдан йилга яхшиланаётган, урмонзорларимиз кенгайтирилди. Бу яхши, албатта. Билмаганим, Сарийос туманининг Сангардак, Хонжиза, Ниҳу Малак, Хардури, Зевар, Кундаю жувоз, Шарғун каби тоғлари бағридаги урмонларда қуллар ва бошқа доривор усимликлар усади.

Лекин мени қуддан буён бир савол уйлантиради: Сарийос туманининг бирон бир жойида тоғ нематлари сотилмайдиган дукон борми? Йўқ, албатта. Сарийос ёки Шарғун бозорларида борсангиз ёнғок, pista, бодом, ёнғок ва бошқа доривор усимликлар усади.

Урмон ҳужалиги ходимлари уриб, олча ва бошқа шу каби мевадарини териб, қуриштириб, қиш ойларида шаҳарликларга тортиқ этсалар бўлмайдими? Баҳор кунлари равоч, ифори ва бошқа тоғ усимликларини бозорларда учратиш қола-ми. Нега туманимиз марказида ёки Шарғун шаҳри марказида дуконлар очиб, бундай нематларни савдога чиқариш мумкин эмас?

Ҳозир бозор иқтисодиёти даврида бозорларимизни четдан келган моллар ҳисобига эмас, узилмаётган етиштирилган нозиматлар билан бойитишимиз керак. Менимча, бунинг учун туман ҳокимиятидаги мутаасаддиларда озгина эътибор ва ушбу бурдонлик бўлса бас.

Анвармурод ЖУМАКУЛИЕВ, Сарийос тумани.

Кимки жафо қилса...

ХИЁНАТ

ёки қўшни йигит билан дон олишиб...

Ёшлиқда нималар бўлмади, дейсиз, Бағдодлик Жўрабой тошкентлик Нарғизани севиб қолди. Нарғиза ҳам трамвай ҳайдовчи киши бўлиб, унинг жони дилдан яхши кўради. Бирок акиси олиб Нарғизанинг ота-онаси Жўрабойга қизларини уза-тишга унамади.

Мени кишлоғингизга олиб кетинг, Жўрабой ака, сизга яшолмайман, — деб тугриб олди Нарғиза. Икки ёш кишлоққа қўнқилишиб кириб келишди. Тўй бўлди, болалар туғилди. Жўрабой ёлларини ишлаб юрди. Ҳар тугул оилани боқиб кетди. Шундай кунларнинг бирида Жўрабой хотинида қандайдир ўзгаришлар юз бера бошлаганини, уй-рўзгор ишларини ҳам қўл унда қилиб, ҳардам-ҳайл бўлиб қолганини сезиб қолди.

Албатта, бунинг узага яраша сабаби бор, сабаби эса... Нарғизанинг «ишқи» қўшни йигит Икромга тушиб қолганди.

Октябрь ойининг охири кунларидан бири эди, ушунда Жўрабойнинг ҳовли-сига Икром кириб келиб қолди эрталабдан.



Жўрабой эса хотинини уч талақ қўйдди. Табиийки, бир зумда эр-хотин бир бирларига тамоман бегона бўлиб қолдилар.

Жўрабой ҳайрон бўлиб қолди. Бу кеча ҳам илгариги ҳодиса такрорланганига ақли етди-ю, икки қўшни аёлнинг гувоҳлигида Икромнинг уйига қараб жўнади. Қайси куз билан курсини, Нарғиза ёш боласини етлақиб Икромнинг ҳовли-сидан чиқиб келарди.

Мавжуда ЭРҚАБОВА.

Назм

ЎЗИНИ ҚУЛМА, ПАРВАРДИГОРИМ

Бағримни тўлдир, болам, Бахтиёр қулдир, болам, Сенга кўзу қош бўлиб, Кучга тўлай ёш бўлиб.

Сўнга айтиб гўзал тушимни. Наҳот тоғмай ҳатто дўстимдан Йўқотаман баъзан тушимни.

Шайтонни дўст тутиб йиғлаб, Ғазабаниб яшапман.



Шу ҳам яшаш бўлдим-я, Парвозимда қанот синса! Ишқдан тоғиб, сўлдимми-я, Қўшқ айни аждаҳда тинса!

Ҳар тўғрида

ҚУТИЛМАГАН БАҲТ

Закарпатьядаги Межгорье шаҳарчаси бозорида кийиллавериби титиғи чиқиб кетган кийимлар ҳам арзиманга қаҳага сотилаверди. Кекса кампир сотиб олган немис костюми унинг учун қутилмаган ангилик бўлди.

Янги китоблар

ОЛТИНИ БОР ХАЛҚМИЗ...

Қўлимизда мўъжазгина китобча турибди. «Ўзбекистон олтини» деб аталади у. Китобчани вақтарак экансиз, ногоҳ «Фауст» операсидаги Мефистофельнинг маъшуҳ кўшиги тилга олинганининг гувоҳи бўласиз:



қайд этганимиз каби, кўп йиллик изланишлар самарасидир. Журналист ўзбек олтинсозларининг асл меҳнати, курашати учун минглаб километр йўللарни босиб ўтди, қанчадан қанча беҳаловат туну-кунларни бошидан ўтказди, юзлаб одамлар билан суҳбатлашди. Китобчани мундарижасига, бобларига бир назар ташлаган киши олтин ишлаб чиқаришнинг захматлари ва муаммоларини дарҳол англаб олади. Мана, улардан баъзилари: «Марказ билан олишув», «Мустақиллик машаққатлари», «Игна билан қудук қазиб...» ва ҳоказо.

мустақиллигини қулга киритган Ўзбекистонда олтин халқимизнинг асл бойлигига айланган, у республикамиз иқтисодиётининг негизини ташқил қилаётган ҳеч қим учун сир эмас. Мазкур китобча, юқоридики

Уста ҲАҚҒҮЙ.

Ана холос...

САБРИНА ДИНАНИ 6 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ОРҚАДА ҚОЛДИРАДИ

Халдан ташқари шохоналикка ўч бўлган италияликлар ўтган йилнинг декабри ойида неополитанилик Сабрина Баттаглича қимматбаҳо тошлар билан савдо қилувчи савдогар Аньелло Формизаного турмушга чиқиб, энг қимматбаҳо никоҳ қўйлаги кийгани билан фахрланмоқдалар.

Бизнесчи ўз қайлигига нафис атласдан турли катталикдаги 7 минг дона оғмос ва катта миқдордаги наварлар билан қадалган никоҳ қўйлаги тикқирди. Умумий нархи 8 миллион доллар турадиган қўйлақда Сабрина худди янги йил арчасидек товланади.

Плашлари тағида автомат аширилган 20 нафар қурқич қимматбаҳо хонимни черковга кузатиб борди. Бир соат давомида никоҳ маросимини ўтказган руҳоний охири чиқолмай ўз боғлиғи билан бўндай исрофгарчилик қилиш яхши эмаслигини айтиди. Қуёв табаруқ қаринининг сузларига дарҳол эътибор бериб, унга ичида 60 миң долларлик 50 дона бриллиант бўлган баҳамол қопланган қўчқарни узатиб, «буни Неаролда СПИД билан оғриган болаларнинг соғлиғига сарфлайсиз», деди.

«Миррор» газетаси никоҳ тўйи ҳақида хабар бериб, италияликларнинг исрофгарчилиғига ҳам ишора қилган ҳолда, 1981 йилда миликка Динар шайхзода Чарльз билан турмуш қўрганга кинган қўйлаги 2 миллион долларга тушганини айтган.



МУҲАММАД АМИН олаган сурат-лаҳза.



Хушxabар «САМКУЧАВТО» - ЖАХОН ЙУЛЛАРИДА

Самарқандда иш бошлаган «СамКучавто» ўзбек-турк қўшма корхонасида тайёрланган турли русумдаги автобус ва юк машиналарига талаб ортиб бормоқда...

Наманганнинг боғида Ранг олимш оловлиси. Кўнглини ярим қилган Ол лаби халовлиси.

Сунбул сочи гулбадан Кўсида ой балкади. Термулган оқ нигоҳлар Кўлмоғи халқадир.

Урилган қирқ кокили Елқасида нозларан. Юлдуз кўзига боқиб Ғариб кўнглим ёзларан.

Қалам қоши қалдирғоч, Зорим сеники, дедим. Бир кеча меҳринги бер, Борим сеники, дедим.

Зулфининг хар бандида Тўрт фаслдан гард қолар. Уни қурган йигитнинг Юрагида дард қолар.

Бир боқди-ю жим кетди, Соқлари тим-тим кетди, Орқасидан орзиқиб Юрагим сирим кетди... Нурулло ОСТОН.

Топқирингизни синаб кўринг

ЧИСТОН-ТОПИШМОҚ

У нима, дўкону, уйу, саройда, Бел боғлаб, хизматда хар кун, хар ойда. Оёқлар остига бошин уради, Ундан саришталик мавжуд хар жойда!

У нима, кундузи кўринар қора, Баъзан юзи қизил, дили садпора. Унга қўлларингиз боса кўрмагин, Ошиқлар дилидек қон оқар қора!

ЭСЛАТМА: Газетамизнинг утган сонларидаги 3-ва 4-чистон-топишмоқларга Жиззах вилояти Гафлар тумани Сарбозор қишлоғида яшовчи Умид Зокирова, Чиноз шаҳри С. Зуннунова қучаси 37-уйда истикомат қилувчи Мирақбар Комиллов, Чуст тумани Махшад қишлоғида Олимжон Хамидов, ургутлик Муҳаммадулло Эллиқовлар турги жавоб берганлар: 3 — Анор, 4 — Шам. Карманалик Олия Фаизиева эса 5-ва 6-топишмоқларнинг жавобини турги топган. Фаргона шаҳар Комиллов қучаси 1-уйда яшовчи Эркинчи Тожматов эса 3-топишмоқни турги топган. Урганчилик Тозагул Худойберганава ҳам 3-топишмоқнинг жавобини турги топган. Азиз муштарилар, газетамизда эълон қилинган 5-6-7-8-топишмоқларга жавобларингизни кутамиз.

САМАРҚАНДАГИ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИНИНГ МУВАФАҚИЯТ БИЛАН ИШЛАШИДА

Япония, Италия, Олмония, Австрия ва Англияда тайёрланиб, бу ерда урнатилган энг сунги нусхадаги техник ускуналар қўл келмоқда...

Т. ЗОХИРОВ.

КУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Такси ҳайдовчиси: — Қаёқча борасилар? Уч қиздан бири: — Қатортолга. Таксичи йигит: — Қанча берасилар? Қизлардан бири: — Сураганингизни.

БОШҚОТИРМА

Bozqotirma puzzle grid with numbers and instructions. Includes a list of numbers and a small diagram of a circular arrangement.

БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

(«Адолат» газетаси, 1999 йил 30 апрель, N 15) 1. Кайковус. 2. Суфийлик. 3. Камалак. 4. Коинатию. 5. Ясо. 6. Олимжон. 7. Низом. 8. «Марифат». 9. Тарих. 10. «Халқ». 11. Қонун. 12. Нотариус. 13. Садқат. 14. «Тафаккур». 15. Раис. 16. Сулҳ. 17. Хадис. 18. Сабот. 19. Тартиб. 20. Билим. 21. Маҳмама. 22. «Алломиш». 23. «Шоҳнома». 24. Арбитраж. 25. Жаннат. 26. Тилак. 27. Кодекс. 28. Суверен. 29. Нушираров. 30. Нон. 31. Неру. 32. Устурма. 33. Агра. 34. Авф. 35. Вакolat. 36. Тенглик.

Шайхонтоқур туманидаги «Зиёда-К» хусусий тижорат ишлаб чиқарши фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даврлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мубайнда Хўвайдо қучаси, 2-нон қуча, 21-уйда қабул қилинади. Телефон: 46-67-24.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 11 майдан бошлаб хўсуб ва боқхона туловлари учун 1 АҚШ долларининг сўма нисбатан қўйидаги қўймайни белгилади. 1 АҚШ доллари — 116 сўм 64 тишин.

Advertisement for 'Adolat' newspaper, including contact information and subscription details.

Advertisement for 'Bozqotirma' puzzle, including contact information for the publisher.

Table with TV schedule for Dushanba, 17. Columns include time, channel, and program name.

Advertisement for 'Oynay Jaxolna' (Play Safely) featuring a cartoon character and text about road safety.

Table with TV schedule for Seshanba, 18. Columns include time, channel, and program name.

Table with TV schedule for Chorshanba, 19. Columns include time, channel, and program name.

Table with TV schedule for Payshanba, 20. Columns include time, channel, and program name.

Table with TV schedule for Jumma, 21. Columns include time, channel, and program name.

Table with TV schedule for Shanba, 22. Columns include time, channel, and program name.

Table with TV schedule for Yakshanba, 23. Columns include time, channel, and program name.

Large advertisement for 'Kuy' (Key) brand, featuring various models of keys and promotional text.

Advertisement for 'Taqdir Xaybati' (Fate is Hidden) featuring names of authors and their works.

Advertisement for 'Muloqot uchun telefonlar' (Phone numbers for contact) listing various contact numbers.

Advertisement for 'Makolada keltirilgan fakt va raqamlar' (Facts and figures mentioned in the article) listing statistics and contact information.